Узбекистон ССР ва Узбекистон компартияси 50 йил

ОЛТИН ТЎЙГА УМУМХАЛҚ ТУҲФАСИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 19 октябрь 1974 йил, шанба • 245 (16.025). Баҳоси 2 тийин.

ҚАШҚАДАРЁ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Қашқадарё областининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, сув танқис бўлган жуда қийин шароитни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга пахта сотиш халқ хўжалиги планини муддатидан илгари, 18 октябрда бажардилар.

Область колхозлари ва совхозлари тайёрлов пунктларига 306 минг тонна — ўтган йил шу муддатдагига қараганда 22 минг тонна кўп пахта топширдилар.

Шаҳрисабз, Чироқчи, Китоб ва Ғузор районлари областда биринчи бўлиб халқ хўжалиги планини бажардилар ва мажбурият ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Область пахтакорлари давлатга яна 64 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятларини тезроқ бажариш, шунингдек 1975 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни ўз вақтида бажариш учун куч-ғайратларини сафарбар қилмоқдалар.

ОБОДОНЧИЛИК ВА САНИТАРИЯ ИЛҒОРЛАРИ

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон касаба союзлари республика совети 1974 йил учинчи кварталида республика шаҳарлари ўртасида ободончилик ва санитария ҳолати учун ўтказилган социалистик мусобақани якунладилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, ва Узбекистон касаба союзлари республика советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти ободончилик ва санитария ҳолатини яхшилаш соҳасидаги ишларни пухта бажарганликлари учун **Тошкент** шаҳрига берилди. (Шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Хўжаев,** шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Козимов,** ободончилик бош бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исломов,** маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ **Камолова**). Тошкент шаҳри ободончилик ва санитария ҳолатини яхшилаш учун ўтказилган социалистик мусобақа шартларини бажарди. Байроқ Қўқон шаҳар ижроия комитетидан олиб берилади.

Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Касаба союзлари республика советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда иккинчи пул мукофоти **Қарши** шаҳрига берилди. (Шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ **Собиржонов,** шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шодиев,** шаҳар коммунал хўжалиги ва ободончилик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Зубайдов,** маҳаллий саноат ва коммунал маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ **Сафаров**). Байроқ Гулистон шаҳар ижроия комитетидан олиб берилади.

Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон Касаба союзлари республика советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофоти Тошкент шаҳар **Киров** районига берилди. (Район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳайдарова,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Расулов,** ободончилик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ганиев,** маҳаллий саноат ва коммунал маиший корхоналар ишчилари касаба союзи область комитетининг раиси ўртоқ **Камолова**). Байроқ Тошкент шаҳар Сергели район ижроия комитетидан олиб берилади.

Урганч, Ангрен, Чирчик шаҳарлари, Тошкент шаҳрининг Куйбишев, Ҳамза, Ленин ва Фрунзе районларининг ободончилик ва санитария ҳолатини яхшилаш соҳасида яхши ишлаганликлари қайд қилиб ўтилди.

ҚЎШ ҒАЛАБА

НАМАНГАН. Косонсой районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пахтакорлари бир йўла қўш ғалабани қўлга киритдилар. Хўжаликда пахта тайёрлаш йиллик плани областда биринчи бўлиб бажарилди. Қабул пунктларига 650 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 31 центнердан «оқ олтин» етказиб берилди.

Колхоз аъзолари шу куни давлатга пахта сотиш юзасидан тўқ қизинчи беш йиллик маррасини эгаллаганликлари тўғрисида ҳам рапортга имзо чекдилар.

ЗАРБДОР РАЙОНЛАР ЙЎКЛАМАСИ

СУРЪАТНИ БЎШАШТИРМАЙМИЗ

Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари Суюн ТУХЛИЕВ:

Пахта тайёрлаш йиллик планини бажардик. Жами ҳосилнинг 86 процента машиналар билан териб олинди. Тайёрланган 43 минг тонна пахтанинг 36 минг тоннаси бункерлардан тўкилди. Машина терими плани 150 процентга етди.

Пушкин номли, «1-Боёвут» совхозлари, шунингдек Ленин номли ва «Коммунизм» колхозлари пахта карвонининг олдида бормоқдалар. Пушкин номли совхоз коллективи бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга етказиш ҳамда давлатга жами 15 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этиш, йиғим-теримни машиналар зиммасига юклаб, пахта топириш йиллик планини 15 иш кунида бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Йиғим-теримни тезкорлик билан ўтказиш борасида райондагина эмас, балки областда ҳам бирорта хўжалик ана шу совхоздан ўтолгани йўқ. Пушкин номли совхоз пахта топириш йиллик планини белгиланган муддатдан аввал — 10 иш кунида бажарди. Хўжалик сўнгги 5-6 кун давомида кунига 10-11 процентдан пахта топширди.

«1-Боёвут» совхози областнинг гигант хўжаликларидан бири. Мавсумда «оқ олтин» пайкалларида 117 та терим машинаси ишлади. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўрта ҳисобда 6-7 тоннадан пахта терилмоқда. Йиғим-терим комплекс механизациялашгани сабабли хўжалик қиска муддат ичида планни бажариб, мажбуриятни ҳам уддалаш арафасида турибди.

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йили механизаторларнинг жасорат йили бўлди. Далаларда туну-кун ишлаган 360 та терим агрегати ҳар бирининг кунлик ўртача иш унуми 8-10 тоннани ташкил қилди. Пушкин номли совхоздан Мавлон Маматмусаев, Мустафо Саидбеков, «Коммунизм» колхозидан Мамарайим Жалилов, Ленин номли колхоздан Элмурот Нормаматов, «1-Боёвут» совхозидан Жўра Ҳаитбоев, Комил Мелибоев, Рудкий номли совхоздан Эгам Қўшбоқов каби механик-ҳайдовчилар 180-230 тоннадан «оқ олтин» тердилар. «1-Боёвут» совхозининг механик-ҳайдовчиси Абдусамад Саидмуродов 350 тонна пахта териб энг юксак кўрсаткичга эришди. Коммунистлар пахта йиғим-теримида авангардлик қилмоқдалар.

Район пахтакорлари мавжуд имкониятларни ҳисоб-китоб қилиб, она-Ватанга яна 14 минг тонна «оқ олтин» сотишга ҳамда ялпи ҳосилни 57 минг тоннага етказишга қарор қилдилар. Бу Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тўйига боёвутликларнинг муносиб тўёнаси бўлади.

Қоракўл район партия комитетининг биринчи секретари Собир ЖУРАЕВ.

— Далаларимизга кўз ташлаган киши айни жўшкин меҳнатни кўради. Бу — бежиз эмас. Халқимиз бир йиллик ишга якун ясаяпти. Эл-юрт олдидаги бурчларини бажариб, район бўйича она-Ватанга 46 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашни қизғин давом эттирмоқда.

Ҳозирги масъулиятли ва долзарб кунларда партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишларни кучайтириб юбордилар. Тартиб-интизом, уюшқоқлик яхши йўлга қўйилди, топширилган иш учун масъулият кучайтирилди. Коммунист Яхшигул Сафарова раислик қилаётган Ленин номли колхоз аъзолари районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Барча ишчи кучлари ва терим машиналари тўла ишга солинганлиги сабабли район йиллик планнинг 2 процентидан ошириб пахта топширмоқда. Бунга, айниқса, планни бажариб, дастлабки довондан ўтган «Бухоро» колхози, шунингдек, «Правда», «Москва», Киров номли колхозларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда.

Пахтазор жасорат майдони бўлиб қолди. Қалби «оқ олтин» ишки билан ёнган дала қаҳрамонларидан 19 минг тонна пахтани териб беришга қарор қилганлар. Шу кунларда 150 дан ортиқ терим агрегатлари кеча-кундуз тинмай далада ишлаяпти. Н. Соттиев, Р. Имомов, Т. Қўшокова каби карвонбоши механизаторларимиз ҳар куни 8-10 тоннага етказиб «оқ олтин» териб топширяётирлар.

Ҳамма ерда коммунистлар ишбошилик қилмоқдалар. 66 бошланғич партия ташкилотига бирлашган 2 мингдан ортиқ коммунистлар терим тақдири ҳал қилинаётган участкаларда намуна кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишлар масканига айланган. 445 агитатор 170 сиёсий ахборотчи, 660 дан ортиқ сиёсий ташкилотчилар пахта йиғим-теримида шаҳсий ибрат кўрсатиш билан бирга теримчи ва механизаторлар ўртасида оммавий сиёсий ва сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам олиб бормоқдалар. Район партия комитети бюроси қарори билан аҳолига медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг барча ходимлари далаларга сафарбар қилинди.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг олтин юбилейи шарафига колхозлар, бригадалар, теримчи ва механизаторлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа ҳар беш кунда якунлаб борилмоқда. Пахта териш ва топширишда энг юқори кўрсаткичларга эришган колхозлар шарафига район марказида, бригадалар, механизаторлар ва теримчилар шарафига колхозларнинг марказий посёлкаларида шон-шуҳрат байроғи кўтарилмоқда. Тайёрлов пунктига 100 тонна ва ундан ошириб пахта ташиб берган механизаторларнинг тракторларига шуҳрат юлдузи тамғаси босилмоқда. Социалистик мусобақанинг бу жонли ва қизиқарли формаси яхши самаралар бераяпти. Ҳозир районда республикамизнинг юбилей тантаналарига бағишлаб зарбдор ўн кунлик эълон қилинди. Ўз ўрнини далада деб биладган ҳар бир теримчи ва механизатор шу кунларда зарбдорчасига меҳнат қилишни ўзларининг пахтакорлик бурчлари ҳисобламоқдалар. Билагида қўчи, юрагида ғайрати жўш урган пахтакорлари республикамизнинг олтин юбилейини пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб бажариш билан кутиб олишга қарор қилганлар.





Дўстлик районидаги Ғафур Ғулом номли совхоз пахтакорлари шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Ўнгдаги суратда: ана шу совхознинг даласида машина терими. Чапдаги суратда Оқолтин районидаги Андижон номли 19-совхознинг механизатори Қудрат Тоғаев. У 1974 йилда 400 тонна пахта териш мажбуриятини олди. Кунига бункердан 10-11 тоннадан пахта тўкмоқда.

А. Тўраев фотолари.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ!

Сурхондарё области саноат корхоналарининг коллективлари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва реализация қилиш ўн ойлик планини муддатидан олдин, 17 октябрда бажардилар.

* * *

«Тошкент» ёғочсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари республика ва Узбекистон Компартиясининг юбилейини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик давлат планини муддатидан аввал бажарганликлари тўғрисида 16 октябрда рапорт бердилар. Ой охирига топширилган ташқари 290 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

* * *

Наманган области саноат корхоналарининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан жавоб бера бориб, товар маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация қилиш ўн ойлик топшириғини муддатидан олдин, 18 октябрда бажардилар. Наманганликлар пландан ташқари 22,5 миллион сўмликдан кўпроқ ҳар хил маҳсулот реализация қилишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

Ромитан районининг пахтакорлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий иш билан жавоб қайтариб, давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажардилар. Райондаги тайёрлаш пунктларига 64,1 минг тонна пахта етказиб берилди, бу ҳосилнинг 25 минг тоннаси машиналар билан терилди. Энгельс номли, «Ленинизм», Карл Маркс номли, Наримонов номли, «Москва», Фрунзе номли, Куйбишев номли колхозлар, «Октябрь 50 йиллиги» ва «Ромитан» совхозлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини районда биринчи бўлиб бажариб, социалистик мажбуриятларини адо этиш ҳисобига пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Район колхоз ва совхозларининг пахтакорлари етиштирилган ҳосилни тез суръатлар билан йиғиб-териб олишни давом эттирмоқдалар. Улар ҳар гектар ердан 32 центнердан хирмон кўтаришга, ялпи пахта ҳосилини эса 72 минг тоннага етказишга аҳд қилишган. Бу эса республика ва Узбекистон Компартиясининг олтин юбилейига муносиб туҳфа бўлади.

* * *

Ғузор районининг пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан аввал бажардилар. Тайёрлов пунктларига 26 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди. Карл Маркс номли, «Халқ обод», «Партия XX съезди», Гагарин номли, Ленин номли колхозлар ўз мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Район деҳқонлари бутун етиштирилган ҳосилни қиска муддатда йиғиб-териб олишга ва ялпи пахта ҳосилини 35 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

* * *

Боғот районининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари мўл пахта ҳосили етиштириб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 37,5 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб берилди, бу пахтанинг 16 минг тоннаси машиналар ёрдамида терилди. Наримонов номли, Ленин номли, «Коммунизм», Жданов номли колхозларнинг пахтакорлари эўр ғайрат билан меҳнат қилдилар.

Ҳосил йиғим-теримини давом эттираётган район пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга планда белгиланганига қўшимча суратда 5,7 минг тонна пахта сотишга ва ҳар гектар ердан 42 центнердан хирмон кўтаришга қарор қилдилар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан олдин бажарганлиги учун қуйидаги область ва районлар республика «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзилсин:

Қашқадарё области — область партия комитетининг секретари ўртоқ **Ғойибов,** область ижро комитетининг раиси ўртоқ **Қўйбоқаров,** область қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Пўлатов,** совхозлар трестининг директори ўртоқ **Оллоёров,** пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ **Камолов,** «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ **Илиади,** суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Рўзиев,** область комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Бозоров.**

Ромитан райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Наврўзов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳикматов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бобоқулов,** «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Холов,** суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қодиров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Рамазонов.**

Ғузор райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳақбердиев,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Сайдалиев,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Хафизов,** «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Дейлис,** суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ражабов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Каримов.**

Боғот райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Воисов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бабиддинов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Раҳимбоева,** «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Эгамбердиев,** суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Давлатов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Саъдуллаева.**

ВИЗИТ ТУГАДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 17 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет давлат делегацияси бугун Ватанига жўнаб кетди. Делегация СССР билан Финляндия ўртасида яраш шартномаси имзоланган кунининг 30 йиллиги ва «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этди.

СССР ва Финляндия давлат байроқлари билан безатилган «Сеутула» аэродромида Н. В. Подгорнийни, делегация аъзоларини Финляндия президенти У. К. Кекконен, бош министр К. Сорса бошчилигидаги ҳукумат аъзолари, «Финляндия — Совет Иттифоқи» жамиятининг раҳбарлари, Финляндиянинг СССРдаги элчиси Я. Халлама, СССРнинг Финляндиядаги элчиси, делегация составига кирган В. С. Степанов, социалистик мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари кузатиб қолдилар.

Н. В. Подгорний билан У. К. Кекконен фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар. СССР ва Финляндия давлат гимнлари ижро этилди.

Делегация аъзолари — ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Н. Земсков, «СССР — Финляндия» жамияти правлениесининг раиси А. И. Маркушевич Н. В. Подгорний билан бирга жўнаб кетдилар.

* * *

Шу кўни Н. В. Подгорний бошчилигидаги Совет давлат делегацияси Москвага қайтиб келди.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида А. А. Громико, А. Я. Пельше, И. В. Капитонов ўртоқлар СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, Ф. А. Сурганов, СССР Олий Совети миллатлар советининг раиси В. П. Рубен, СССР министрлари Б. П. Бугаев, В. П. Лein, Н. С. Патоличев, «Известия» газетасининг бош редактори Л. Н. Толкунов, СССР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов ва бошқа расмий кишилар делегацияни кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Финляндиянинг СССРдаги муваққат ишлари вакили Ю. Аймонен бор эди.

(ТАСС).

5.000.000 ТОННА ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ХИРМОНИ

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 18 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	мавсум бошидан	Шу жумладан машинада: бир кунда	Шу жумладан машинада: мавсум бошидан
АНДИЖОН	0,71	106,06	0,85	89,94
ТОШКЕНТ	1,56	106,06	1,25	114,88
СИРДАРЁ	2,02	104,89	2,25	132,20
ЖИЗЗАХ	1,92	103,12	1,07	98,13
Қашқадарё	1,68	98,81	1,67	61,06
Сурхондарё	1,11	92,82	0,94	86,33
Хоразм	2,63	91,38	3,56	69,31
Бухоро	1,56	89,69	2,00	83,49
Фарғона	1,83	88,48	2,69	60,10
Наманган	1,45	88,31	2,40	87,49
ҚҚ АССР	2,32	87,23	2,84	75,76
Самарқанд	2,78	73,81	4,44	93,64
Республика бўйича:	1,75	93,42	2,14	88,19
Шу жумладан нигичка толаси пахта				
Республика бўйича:	1,47	61,22		

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Бу йил ноябрнинг биринчи ўн кунлигида қаторасига тўрт дам олиш куни айни жўшкин меҳнатни кўради. Бу — бежиз эмас. Халқимиз бир йиллик ишга якун ясаяпти. Эл-юрт олдидаги бурчларини бажариб, район бўйича она-Ватанга 46 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашни қизғин давом эттирмоқда.

Ҳозирги масъулиятли ва долзарб кунларда партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, ташкилий-партиявий ишларни кучайтириб юбордилар. Тартиб-интизом, уюшқоқлик яхши йўлга қўйилди, топширилган иш учун масъулият кучайтирилди. Коммунист Яхшигул Сафарова раислик қилаётган Ленин номли колхоз аъзолари районда биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдилар. Барча ишчи кучлари ва терим машиналари тўла ишга солинганлиги сабабли район йиллик планнинг 2 процентидан ошириб пахта топширмоқда. Бунга, айниқса, планни бажариб, дастлабки довондан ўтган «Бухоро» колхози, шунингдек, «Правда», «Москва», Киров номли колхозларнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўлмоқда.

Пахтазор жасорат майдони бўлиб қолди. Қалби «оқ олтин» ишки билан ёнган дала қаҳрамонларидан 19 минг тонна пахтани териб беришга қарор қилганлар. Шу кунларда 150 дан ортиқ терим агрегатлари кеча-кундуз тинмай далада ишлаяпти. Н. Соттиев, Р. Имомов, Т. Қўшокова каби карвонбоши механизаторларимиз ҳар куни 8-10 тоннага етказиб «оқ олтин» териб топширяётирлар.

Ҳамма ерда коммунистлар ишбошилик қилмоқдалар. 66 бошланғич партия ташкилотига бирлашган 2 мингдан ортиқ коммунистлар терим тақдири ҳал қилинаётган участкаларда намуна кўрсатиб меҳнат қилаётирлар. Дала шийпонлари оммавий-сиёсий ишлар масканига айланган. 445 агитатор 170 сиёсий ахборотчи, 660 дан ортиқ сиёсий ташкилотчилар пахта йиғим-теримида шаҳсий ибрат кўрсатиш билан бирга теримчи ва механизаторлар ўртасида оммавий сиёсий ва сиёсий-тарбиявий ишларни ҳам олиб бормоқдалар. Район партия комитети бюроси қарори билан аҳолига медицина, савдо, маиший хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг барча ходимлари далаларга сафарбар қилинди.

Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг олтин юбилейи шарафига колхозлар, бригадалар, теримчи ва механизаторлар ўртасида бошланган социалистик мусобақа ҳар беш кунда якунлаб борилмоқда. Пахта териш ва топширишда энг юқори кўрсаткичларга эришган колхозлар шарафига район марказида, бригадалар, механизаторлар ва теримчилар шарафига колхозларнинг марказий посёлкаларида шон-шуҳрат байроғи кўтарилмоқда. Тайёрлов пунктига 100 тонна ва ундан ошириб пахта ташиб берган механизаторларнинг тракторларига шуҳрат юлдузи тамғаси босилмоқда. Социалистик мусобақанинг бу жонли ва қизиқарли формаси яхши самаралар бераяпти. Ҳозир районда республикамизнинг юбилей тантаналарига бағишлаб зарбдор ўн кунлик эълон қилинди. Ўз ўрнини далада деб биладган ҳар бир теримчи ва механизатор шу кунларда зарбдорчасига меҳнат қилишни ўзларининг пахтакорлик бурчлари ҳисоблаб, Билагида қўчи, юрагида ғайрати жўш урган пахтакорлари республикамизнинг олтин юбилейини пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб бажариш билан кутиб олишга қарор қилганлар.

ҚАРДОШ БОЛГАРИЯ ЮТУҚЛАРИНИНГ КЎРИГИ

Москваликлар, Совет Иттифоқи пойтахтининг меҳмонлари СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида очилган «Болгария Халқ Республикаси социализм йўлидан 30 йил» деган виставкага зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. 18 октябрда, виставканинг биринчи иш кунида кўп минг томошабин виставка павильонларида бўлди. Улар виставканинг ёрқин экспозицияси билан танишдилар. Экспозиция материаллари социализм қураётган қардош халқнинг илҳомбахш ижодий меҳнати тўғрисида, БХР экономикаси ва маданиятининг равнақи, республика кишиларининг фаровонлиги ўсганлиги ҳақида, Болгария билан Совет Иттифоқининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисида ишонарли тарзда ҳикоя қилади.

Совет кишилари болгар халқининг муваффақиятларидан қойил қолганликларини билдирмоқдалар. Виставканинг таассуротлар дафтарларига кўплаб фикрлар ёзиб қолдирилган бўлиб, уларда СССР ва Болгария халқларининг, бузилмас қардошларча дўстлиги ҳақида гапирилади.

Фахрли томошабинлар дафтари Л. И. Брежнев ва А. Н. Косиген ўртоқларнинг қуйидаги мазмундаги ёзуви билан очилади: «Болгария Халқ Республикаси социализм йўлидан 30 йил» деган виставка билан ғоят қизиқиб, мамнуният билан танишдик. Биз қардош болгар халқи қўлга киритган жуда катта ютуқларидан қувонамиз ва у билан фахрланамиз. Ривожланган социалистик жамият қуришда болгар дўстларимиз бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан истаймиз».

Виставкани очиш маросимида иштирок этган БХР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Т. Живков ўз ёзувида виставкани ташкил этувчиларга ва ташкилотчиларига самимий миннатдорчилик изҳор этиб, очиқ кўнгил билан қабул қилганликлари учун совет кишиларига миннатдорчилик билдирди.

Экспозиция стендлари олдида гавжумлик ҳукм сурмоқда. Бу ерда самимий, дўстона суҳбатлар бўлиб турибди, совет ва болгар мутахассисларининг учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

18 октябрь куни виставкада машинасозлик ва металлургия куни нишонланди.

(ТАСС).

МАКТАБНИНГ СОДИҚ ЁРДАМЧИСИ

«УЧИТЕЛЬСКАЯ ГАЗЕТА» БАЙРОҒИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ

17 октябрь куни Москвада «Учительская газета»ға Ленин ордени топширишта ва унинг биринчи сони чиққан кунининг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишқа бўлди. Газета маориф ходимларини партия ва ҳукуматининг ёшларга коммунистик руҳда тарбия ва таълим бериш соҳасидаги қарорларини бажаришга сафарбар этишдаги катта хизматлари, ўқитувчиларнинг ғоявий савиясини ва профессионал маҳоратини оширишда уларга ёрдам берганлиги учун юксак мукофот билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев «Учительская газета»нинг редакция коллективига, авторлари ва газетхонларига йўллаган табрикномасида газетанинг фаолиятини юксак баҳолади.

Союзлар уйининг Колонна залида ўтказилган тантанали йиғилишда салкам уч миллионлик ўқитувчилар отрядининг мамлакат турли жойларидан келган вакиллари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, халқ маорифи аълочилари, фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар. Залда социалистик мамлакатлар ўқитувчилар газеталарининг раҳбарлари ҳам бор эди.

Йиғилишни СССР маориф министри М. А. Прокофьев кириш нутқи сўзлаб очди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини яқдиллик билан фахрий президиумга сайлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Демичев нутқ сўзлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан П. Н. Демичев «Учительская газета» редакцияси коллективини, унинг кўп минг кишилик авторлар активини ва барча газетхонларини юксак мукофот — Ленин ордени билан ва эллик йиллик юбилей билан самимий табриклади.

Ленин ордени, деди П. Н. Демичев, «Учительская газета»нинг ярим асрлик ижодий меҳнатига берилган муносиб мукофотдир. Газета партия ва халқ ишига, ёш авлодларни, янги жамият бунёдкорларини коммунистик руҳда тарбиялаб, вояга етказиш ишига садоқат билан хизмат қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Учительская газета»нинг юбилейи муносабати билан йўллаган табрикномасида ўқитувчиларнинг ишончли дўсти ва ёрдамчиси деб аталди. Газета коллективи бу баҳога муносиб бўлмоқ учун зўр ғайрат билан актив ишлади, халқ маорифидаги жамики янги, илғор тажрибаларни қарор топтириш йўлидаги курашда ижодий изланишлар билан шуғулланди.

«Учительская газета» ўз йўлини ёш Советлар мамлакати интернационалистларнинг босқини ва гражданлар уруши натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашга киришган машаққатли ва шонли даврда бошлаган эди. Социализм учун курашда В. И. Ленин цивилизациянинг ҳамма ютуқларини ўзлаштириш, билимларни, фанни эгаллаш зарурлигига алоҳида ўрин берган эди. Янги мактаб вужудга келиб, қарор тоза бошладди. Худди шу пайтда ўқитувчиларга катта ёрдам берилиши лозим эди, уларни жиплаштириш, янги-янги мураккаб вазифаларни ҳал этишга уюштириш зарур эди. Партия бу ролни 1924 йил октябрида ташкил қилинган «Учительская газета» зиммасига юклади.

Ҳозир салкам бир ярим миллион нусхада чиқарилаётган «Учительская газета» ўқитувчиларнинг коллектив ташкилотчиси, совет педагоглари ажойиб армиясининг жанговар минбари бўлиб қолганлигини мамнуният билан таъкидлаймиз, деб сўзини давом эттирди П. Н. Демичев.

Нотиқ мамлакатимизда индустриялаш, қишлоқ хўжалигини социалистик тарзда қайта қуриш ва маданий революцияни амалга ошириш йилларида «Учительская газета» қилган ишларни батафсил тавсифлаб, энг асосий социал вазифаларни ҳал этишда, ўқитувчиларни саводсизликни тугатиш учун, умумий бошланғич ва етти йиллик таълим учун курашга жиплаштиришдаги катта ролини қайд қилди. Газета ўз фаолиятининг ҳамма босқичларида ўқитувчиларнинг ғоявий етуклигини оширишда уларга ҳар томонлама ёрдам беришни ўзининг энг муҳим бурчи деб ҳисоблади. Газетанинг дастлабки сонларидаёқ «Марксизм тўғрисида ўқитувчилар билан суҳбатлар» деган мақолалар туркуми эълон қилинди. Газетанинг ғоявий-сиёсий қиёфасини, ўз фаолиятининг асосий йўналишларини шакллантиришда М. И. Калинин, Н. К. Крупская, А. В. Луначарский ҳамда партия ва давлат бошқа арбобларининг газета саҳифаларида босилган мақолалари катта аҳамиятга эга бўлди.

Улуғ Ватан уруши йилларида «Учительская газета» деди П. Н. Демичев, ўзининг ҳар бир сонида совет кишиларининг қаҳрамонлиги ва ватанпарварлигини кўрсата бориб, «Халқ ўқитувчиси» номли танк колоннасини тузиш, озод этилган районлардаги мактабларни қайта тиклаш, фронтга кетганларнинг фарзандларини жамоат васийлигига олишни ривожлантириш каби оммавий кампанияларни олиб борди.

Бугун газета босиб ўтган йўлга баҳо берар эканмиз, деб таъкидлади П. Н. Демичев, биз газета жамиятимизнинг илдам ривожи билан ҳамнафас бўлиб келди, деб тўла ҳуқуқ билан айта оламиз.

Шундан кейин нотиқ, ўрта ва олий мактабларга, ҳунар-техника таълими системасига нисбатан ҳозир қўйилаётган талабларга тўхталди.

Партия XXIV съезднинг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёшларга таълим ва тарбия бериш масалаларига доир нутқлари, деди у, бу ишнинг бош йўналишларини ва совет мактаби эгаллаши лозим бўлган янги марраларни белгилайди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтишини тугаллаш ва умумий таълим мактабини янада ривожлантириш тўғрисида»ги, «Ҳунар-техника таълими системасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларида таълимнинг моддий-техника базасини, мактаб программаларини такомиллаштириш, ёшларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик ва ахлоқли бўлиш руҳида тарбиялаш, педагогика соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларни янада ривожлантиришнинг конкрет вазифалари таърифлаб берилган.

Қишлоқ мактаби олдида айниқса катта вазифалар турибди. Шаҳсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ умумий таълим мактабининг ишқ шароитларини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

П. Н. Демичев шуни таъкидладики, эндиликда мактаб социал илмий-техникавий тараққиётнинг мураккаб вазифаларини амалий равишда ҳал қилиши лозим бўлган авлодларни вояга етказишда. Шу сабабли «Учительская газета» ҳозир маориф ва тарбиянинг замонавий проблемаларини малакали ёритиш билангина чекланмасдан, шу билан бирга келажак йўлини ёритувчи прожектор ҳам бўлиши керак. У ишлаб чиқариш ва илм-фаннинг ўсиб бораётган талабларини ҳисобга олган ҳолда таълимнинг мазмуни ва методларини такомиллаштириш, ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини шакллантириш йўлларини тўғри очиб бериши керак.

Муттасил ривожланиб бораётган техника ва фан, жадаллашиб бораётган социал жараёнлар дунёси янги авлодлар учун табиий бир ҳол бўлиши лозим, бинобарин ёшлар ўз ота-оналари қўлидаги эстафетани қабул қилиб олиб, олға элтишга тўла тайёр бўлиб туришни ҳис этишлари лозим. Коммунизм бутун совет ҳалқининг меҳнати ва фақат меҳнати билан барпо этилади. Гражданлик бурчининг юксак ватанпарварлик туйғуси, жамият бахт-саодати йўлида, бошқаларнинг манфаатлари йўлида актив ижтимоий фаолиятга, меҳнатга камарбасталик — пўлатдек фазилатларнинг ҳаммаси ёшларга мактаб қучоғида сингдирилмоқда. Мактаб, комсомол, пионер ташкилоти, оила, бутун жамоатчилик ягона фронт бўлиб, баҳамжиҳат ва собитқадамлик билан ҳаракат қилган тақдирдагина бу олижаноб ишда муваффақиятга эришилади. Бизнинг педагогика фанимиз ёшларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашни тўғри ташкил этишда тобора кўп ёрдам бериши керак.

Коммунизм одамлар ўртасида муносабатларни шакллантириш демакдир. Коммунизмни қуриш эски ахлоқ, майда буржуа психологияси, ҳудбинлик ва индивидуализм сарқитларини бартараф этиш билан чамбарчас боғланган. Коммунистик ахлоқийлик йиғит ва қизлар онгига табиий равишда сингмоғи керак. Мактаб — ҳаётнинг бутун муҳити, бутун тартиби, унинг оилага таъсири юксак ахлоқий талабчанлик принципларига асосланиши лозим.

Пирик партия публицистлари, олимлар, маданият арбобларининг газета саҳифаларида чиқишлари ўқитувчиларга ҳамиша катта сабоқ бўлиб келган, уларга таълим ва тарбиянинг янги формаларини ўйлаш ва қидириб топиш учун кўп материал берган, уларнинг билим доирасини кенгайтирган. Бу чиқишлар ёшларни ғоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб, эстетик, жисмоний тарбиялаш соҳасидаги кўп қиррали вазифаларни ҳал этишда, уларда юксак ватанпарварлик, ўз ватанига меҳр-муҳаббат, чуқур интернационалистик эътиқод туйғусини шакллантиришда мактабга ёрдам беради.

«Учительская газета» совет мактабининг қардош социалистик мамлакатлар мактаблари билан алоқасини кенгроқ ёритиши, таълим ва тарбия соҳасида қардош социалистик мамлакатларнинг педагоглари орттирган илғор тажрибани таҳлил этиб, пропаганда қилиши керак.

Газета ёшларнинг ақл-идроки ва қалби учун олиб борилаётган ғоявий курашда тобора каттароқ роль ўйнамоқда. У ҳозирги мафкуравий ўзаро кураш вазиятида мактабга, ўқитувчиларга йўл-йўриқ бериб туриши, ёшларни ғоявий жиҳатдан шакллантиришда амалий ёрдам бериши лозим. Совет мактабининг вазифаси марксизм-ленинизм ғоялари қадамба-қадам ёшларимиз учун ҳаётий зарурат бўлиб қолишига эришишдан иборат.

КПСС Марказий Комитети шунга амин дирки, деди П. Н. Демичев, «Учительская газета» бундан буён ҳам партиянинг халқ маорифи соҳасидаги сиёсатини моҳирона пропаганда қилаверади, ўқитувчиларни шу сиёсатни амалга оширишга изчиллик ва принципиаллик билан ташкил этаверади, ёш авлодларга таълим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаштиришнинг янги йўлларини кун сайин қидириш билан айни бир вақтда бутун халқ томонидан мактабга берилаётган ёрдамни мунтазам равишда ёритиб боради, ўқитувчиларнинг ғоявий савиясини, профессионал маҳоратини оширишнинг тўғрисида жонкуярлик билан ҳар томонлама ғамхўрлик қилади.

П. Н. Демичев СССР Олий Совети Президиумининг «Учительская газета»ни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва ҳозир бўлган кишиларнинг гуллурос қарсаклари остида орденни газета байроғига тақиб қўйди.

П. Н. Демичев ишонч билдириб айтдики, муносиб мукофот — Ленин ордени «Учительская газета» редакцияси коллективи ва авторлари ишида янги муваффақиятларга рағбатлантирувчи омил бўлади. У ҳозир бўлган барча кишиларга, ўзларининг меҳнати, ижодий изланиши ва ғайратини совет мактабини янада юксалтириш, коммунистик жамиятнинг эътиқодли қурувчилари бўлган ёшларга таълим-тарбия бериш ишига хизмат қилдириб келган ва хизмат қилдираётган барча кишиларга жамият бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилади.

«Учительская газета»нинг бош редактори Н. М. Парфенова жавоб нутқи сўзлади. У редакция коллективи, унинг газетхонлар активи номидан, барча совет ўқитувчилари номидан газета коллективининг меҳнатига берилган юксак баҳо учун, партиянинг мактаб тўғрисида кун сайин оталарча ғамхўрлиги учун ўртоқ Л. И. Брежневга астойдил миннатдорчилик изҳор этди. Нотиқ Ватаннинг юксак мукофоти учун миннатдорчилик билдириб, газета бундан буён ҳам партиянинг бош наказини — мактабимизни коммунистик қурилиш вазифалари билан маҳкамроқ боғлаш тўғрисидаги топшириғини бажараверади, деб ишонтирди.

Ўқитувчилар, ёзувчилар, журналистлар, социалистик мамлакатлардан келган касбдошлар газетани фахрий мукофот билан муборакбод қилдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига табрикнома йўлладилар. (ТАСС).

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри И. Фаҳми бошчилигидаги Миср Араб Республикасининг ҳукумат делегацияси дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар тугаганидан кейин 18 октябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди. Делегация расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган эди.

МАР ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Тўла яқдиллик

Миср Араб Республикаси ҳукумат делегацияси Москвада бўлган чоғида ўтказилган учрашув ва суҳбатлар вақтида Фаластин проблемаси юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

Фаластин проблемасини фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, шу жумладан унинг ўз миллий маконини вужудга келтириш ҳуқуқи таъминланган тақдирдагина сиёсий жиҳатдан тўла ва узил-кесил ҳал қилиш мумкин, деган фикрга келинди. Бу проблема Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш мақсадида ўтказиладиган Женева конференцияси доирасида ҳал қилиниши лозим. Шу муносабат билан томонлар Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференциясида Фаластин озодлик ташкилотининг вакиллари унинг бошқа қатнашчилари сингари тенг ҳуқуқда мустақил иштирок этишлари лозим, деган фикрни билдирадилар. Томонлар ана шу конференция яқин вақт ичида ўз ишини яна бошлаб юборишига ҳаракат қиладилар.

Томонлар Фаластин озодлик ташкилотини «Бош Ассамблеянинг ялпи-мажлисларида Фаластин тўғрисидаги масала муҳокама қилинган чоқда фаластин халқининг вакили сифатида қатнашишга» таклиф этиш ҳақидаги масала юзасидан БМТ Бош Ассамблеясининг XXIX сессиясида қабул қилинган резолюциядан мамнун эканликларини қайд этдилар. Улар бу қарор Фаластин проблемасининг сиёсий жиҳатдан муҳимлиги халқаро миқёсда эътироф этилганлигини билдиришига асосланадилар.

Бош Ассамблеянинг ушбу сессияси конструктив қарор қабул қилади, бу қарор эса Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида биргаликда сарфланаётган куч-ғайрат доирасида фаластинликларнинг қонуний миллий ҳуқуқларини таъминлашга ёрдам беради, деб умид билдирилди.

МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДА

ВАРШАВА, 18 октябрь. (ТАСС). Европа коммунистик ва ишчи партиялари конференциясини чақириш ва унга тайёргарлик кўриш масаласини муҳокама қилишга бағишланган маслаҳат учрашуви 17 октябрда Варшавада ўз ишини давом эттирди.

Учрашувнинг иккинчи иш куни давомида қуйидаги коммунистик ва ишчи партияларнинг вакиллари сўзга чиқдилар: Германия Бирлашган Социалистик партиясидан Г. Аксен; Франция Коммунистик партиясидан Ж. Канапа; Югославия Коммунистлар союзидан О. А. Грличков; Туркия Коммунистик партиясидан — А. Сейдан; Испания Коммунистик партиясидан — Ф. Мемчоро; Ирландия Коммунистик партиясидан— Т. Редмонд; Греция Коммунистик партиясидан — А. Амбатьелос; Швейцария Меҳнат партиясидан — Я. Лехлятер; Австрия Коммунистик партиясидан — Э. Шарф; Чехословакия Коммунистик партиясидан — В. Биляк; Норвегия Коммунистик партиясидан — М. Г. Кнутсен; Швеция Коммунистлари сўл партиясидан — Л. Вернер; Руминия Коммунистик партиясидан — Ш. Андрей; Сан-Марино Коммунистик партиясидан — Э. Гасперони; Венгрия Социалистик ишчи партиясидан — А. Пуллаи; Люксембург Коммунистик партиясидан Д. Урбани; Польша Бирлашган ишчи партиясидан — Э. Бабюх; Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясидан — К. Партасидис.

Учрашув ҳамжиҳатлик ва дўстона ҳамкорлик вазиятида ўтмоқда.

ВИЗИТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БОННИ, 17 октябрь. (ТАСС). Расмий визит билан ГФРда меҳмон бўлиб турган СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси мамлакат бўйлаб қилган сафаридан кейин Боннга қайтиб келди.

Совет парламент аъзолари делегацияси кеча Германия Социал демократлар партиясининг бундестагда Г. Венер бошчилигидаги фракцияси раҳбарлари билан учрашди.

Делегация шу куни ГФР—СССР парламент группаси аъзолари билан суҳбатлашди. Совет Иттифоқидан борган меҳмонларни группа раиси бундестаг депутати М. Мертес табриклади.

СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин СССР Олий Совети делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

ГФР федерал канцлери Г. Шмидт Н. А. Тихоновни бугун қабул қилди ва СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларга доир баъзи масалалар хусусида у билан суҳбатлашди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Олий Советининг депутати Л .М. Замятин ва СССРнинг ГФРдаги элчиси В. М. Фалин иштирок этдилар.

ЎЛКАМИЗ БОЙЛИКЛАРИ



РЕСПУБЛИКАДАГИ ЭНГ ЧУҚУР ҚУДУҚ

●

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ВА НЕФТЬ КОНЛАРИ КУПАЯДИ

●

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

●

ПАРМАЛОВЧИЛАР ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

●



УСТЮРТ АЛАНГАСИ

Бу бепоён ерларнинг инсон оёғи тегмаган кенгликлари, кимсасиз, сувсиз даштликлари вақтлар келиб инсонга бош эгишини, унинг бағридаги бойликлар элюрт учун хизмат қилишини ҳеч ким тасаввур этмаган ҳам бўлса керак. Унинг мағрур, бепоён кўкси саратонда қуёш тандири бўлиб яллиғланди, қишда қор-бўронлар, изғиринлар макони бўлиб келди.

Эндичи? Ҳа, эндиликда Устюртнинг табиати бутунлай ўзгариб бораётир. Совет кишиларининг азми ва иродаси билан кунданкунга унинг чеҳраси очилмоқда. Унинг сийнасида яширинган сирлар ҳам илму фан, ақл-идрок кучи ва қудрати билан бирин-кетин ошкор бўлмоқда. Айниқса, Устюрт кенгликлари табиий газ ва нефть каби табиий бойликларга ғоятда сероб эканлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон нефть-газ қидирув экспедициясининг коллективи бу ердаги газ ва нефть конлари запасларини излаб топиш соҳасидаги ишларни кенг суратда олиб бормоқда. Бу соҳадаги дастлабки муваффақиятлар ғоятда қувончли. Айниқса, Устюртнинг икки районида топилган газ конлари бу ерда саноат учун ярақли «зангори олов»нинг катта запаси мавжудлигидан далолат бермоқда. Чиндан ҳам Шохбахти ва Қувонишдаги қидирув ишларининг дастлабки якунлари қувончли.

Қидирувчи геологлар Оламбек районида ҳам анча катта газ запаслари борлигини аниқламоқдалар. Яқинда Қорақудуқ районида заминида нефть конлари борлиги аниқланди.

Ҳозир геологлар Устюртнинг мана шу районларида қидирув ишларини кенгайтириб юборишдилар. Қорақудуқдаги 4200 метр чуқурликдаги қудуқда шу кунларда пармалаш ишлари қизғин олиб борилаётир.

— Қорақудуқдаги биз пармалаётган қудуқ Устюртдаги энг чуқур қудуқлардан ҳисобланади, — дейди пармаловчилар мастери Бобожон Жумашев.

Моҳир пармалаш мастери Бобожон Жумашев бошчилигидаги коллектив Устюрт бойликларини тезроқ эл-юртга хизмат қилдиришга астойдил бел боғлаган. Шунинг учун ҳам бу ерда қидирув ишлари бетўхтов олиб борилмоқда.

— Биз пармалаш ишларини ғоятда тезкорлик билан олиб бормоқдамиз, — дейди илғор пармаловчи Бозор Сапарқулов.

Бепоён кенгликларда олиб борилаётган бу ишларга назар ташлаган киши чиндан ҳам пармаловчилар шижоатли ишларининг гувоҳи бўлади. Кон изловчилар йиллик пармалаш топшириғини бундан бир ой аввал бажариб қўйишган эди. Йил охиригача улар яна бир неча минг метр чуқурликдаги пармалаш ишларини бажаришни поёнига етказишга қарор қилишди.

— Бизнинг коллективимиз, — дейди моҳир пармаловчилардан Козби Арчинов, — Узбекистон ССР, Узбекистон Компартияси ва Қорақалпоғистон АССРнинг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олаётир. Биз Устюрт бағридаги қимматли бойликларни тезроқ она-Ватанга армуғон қилиш учун астойдил курашмоқдамиз.

Ҳақиқатан ҳам шижоаткор пармаловчилар бу тўй-тантаналар шарафига муносиб армуғон тайёрламоқдалар. Йиллик мажбуриятни муддатидан олдин ортиғи билан бажариб қўйган мардмайдон контопар йигитлар — Бобожон Жумашев, Козби Арчинов, Анатолий Дмитриев, Бозор Сапарқулиев, Казбек Слонов, Альберт Крамаровлар ва уларнинг бошқа дўстлари ҳозир жасорат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

...Устюрт бойликлари битмас-туганмасдир. Унинг бағрида турли-туман хазиналар яширинган. Яқин йиллар ичида булар халқимиз фаровонлиги учун хизмат қила бошлайди.

Суратларда: Устюртдаги Қорақудуқ районида ўрнатилган пармалаш установкаларидан бири ва илғор пармаловчи Козби Арчинов.

А. Лихварь фотолари.

БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРГАНЛАР

Колхоз қурилиши бўйича давлат-кооператив бирлашмаси — «Узколхозстрой»нинг 42 минг кишилик аҳил коллективи беш йиллик марраларини муддатидан илгари эгаллаш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бирлашманинг 127 комплекс бригадаси ва юзга яқин етакчи касбдаги ишчилари тўққизинчи беш йиллиқ топшириғини бажариб қўйдилар. Бирлашманинг ишлаб чиқариш илғорлари беш йиллик охиригача қўшимча равишда тағин 20 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга сўз бердилар.

Колхоз қишлоғининг жамолини очаётган бинокорлар коллективлари орасида Наманган трестидан Николай Смирнов, Фарғона трестидан Ҳолдор Ҳатамов ўртоқлар бошлиқ бригадалар машҳур бинокор Николай Злобин усулига амал қилиб, ишлаб чиқаришда энг юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Яқинда Сурхондарё трестининг Жўра Турсунов ва Завли Бекназаров бошлиқ бригадалари ҳам беш йиллик планни орттириб бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

ВИЗНИНГ ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

САДОҚАТ

Одатда кишилардаги камтаринлик ниҳоятда қадрланади. Ўз-ўзига қаттиқ талабчанлик билан уйғунлашиб кетган камтарлик эса, инсоннинг олий фазилатидир. Юбиляримиз Николай Димитриевич Уваров билан учрашган, бирга ишлаётган ҳамма кишилар унда ана шу фазилат мужассам дейишади. Николай Уваровдаги кишилар билан тез қовишиб кетиш, бошқаларда ишонч туғдириш ва уларни муҳим вазифаларни бажаришга сафарбар этиш маҳорати ҳамкасблар учун ибрат бўлиб келди.

Қўпинча унинг бу фазилатларни қандай қилиб ўзида шакллантирганлиги билан қизиқишади. Шунда Николай Дмитриевич кулимсираб:

— Кекса большевиклар ҳақидаги китобларни ўқиганмисиз? — деб сўрайди. — Ўқимаган бўлсангиз, кўп нарсани йўқотибсиз. Албатта, ўқиш керак.

Ҳа, Николай Уваров оддийликни, меҳнатсеварликни, камтаринликни ленинчи большевиклардан ўрганди. Оренбург областидаги Краснохолм қишлоғида МТС сиёсий бўлимчнинг котиби бўлиб ишлаётган кезлари у Октябрь алангасида, гражданлар уруши фронтларида тобланган большевиклар билан ёнма-ён меҳнат қилди. Уларнинг ҳаёти ёш Коля учун бир умрлик дорилфунун бўлди. Бундан қирқ йил муқаддам район партия комитети уни газетага ишга юбораётганида ана шу большевистик эътиқодини назарда тутган эди. Журналистика Николай учун энг ёруғ йўлга айланди. Кейинчалик бу йўл уни бепоён диёримизнинг қайси бурчағига бошламасин, Николай Уваров бу касбга содиқ бўлиб қолди ва бутун қалб қўрини унга бағишлади.

Ҳаёт фактлари ва воқеаларни тинмай таҳлил қилиш, ўзи кўрган, билган ва бошдан кечирган ҳамма нарсаларни чуқур мулоҳаза қилиб кўриш, энг муҳим актуал масалалар бўйича кишиларга ўз фикрини етказиш уни маҳорат довонлари сари бошлади.

Бундан 35 йил илгари Ўзбекистонга келган Николай Уваров дастлаб «Комсомолец Узбекистана» газетасида самарали меҳнат қилди. Улуғ Ватан уруши йилларида у немис-фашист босқинчиларига қарши мардонавор жанг қилиб, «Жанговар хизматлари учун», «Жасорати учун» сингари бир неча медаллар ва «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланди. Урушдан кейин Николай Уваров Тошкент паровоз-вагон ремонт заводи кўптиражли газетасига муҳаррирлик қилди. Коммунистик партия талантли журналистни тарбиялади, унинг маҳоратини ошириш, назарий билим билан қуролланиши учун шароит яратиб берди. Республика Олий партия мактабини тугатгач, журналист «Правда Востока» газетасида ишлай бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимида ишлаш Николай Уваров учун ташкилотчилик маҳоратини оширишга ёрдам берди. Мана, саккиз йилдирки, республиканинг кекса, малакали журналистларидан бири Николай Дмитриевич Уваров «Мухбир» — «Корреспондент» журналига муҳаррирлик қилиб келмоқда.

Янги-янги авторларни қидириб топиш, уларга ёрдам бериш ва ўргатиш, шу жараёнда бошқалардан ўрганиш журналист Николай Уваров учун қундалик эҳтиёж бўлиб қолди. Бой тажриба ва чуқур билим «Мухбир» — «Корреспондент» журналини республика маҳаллий матбуоти тажрибасини умумлаштирувчи, матбуотчиларимиз олдида турган актуал проблемаларни ёритувчи, матбуот активларини журналистика жанрлари билан таништирувчи муҳим воситага айлантирди. Шуни айтиш мумкинки, журнал ишчи ва қишлоқ мухбирлари учун сиртқи университет даражасига кўтарилди. Оммавий ахборот воситаларининг КПСС XXIV съезди қўйган вазифаларни муваффақиятли бажарилишини таъминлашида журналнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Қаламкаш дўстимиз 60 ёшга тўлди. Шундан 40 йили матбуот ишига бағишланди. Мана, ўттиз беш йилдирки, Николай Димитриевич Ўзбекистон матбуотининг коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчи сифатидаги ролини янада кучайтириш соҳасида самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Е. ТОРОПЧИН,
Ўзбекистон Журналистлар союзи правленияси ташкилий-ижодий бўлимининг мудири.

УЗБЕКИСТОН ССР ВА УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Юртим,
Сени яна олдим қаламга
Ярим аср ёшинг баҳона бўлиб.
Яна келиб қўндинг тонгги мисрамга
Фалак нисор этган дурдона бўлиб.
Иқбол пешонамга битган ошёним
Ўзбекистоним.
Толеим бор экан,
Сенга ҳамнафас,
Оташин қуёшинг билан йўғрилдим.
Юз йил аввал эмас, юз йил сўнг эмас,
Туғёнли асрда сенда туғилдим.
Гуллар сочдинг мен илк босган қадамга
Бағринг менга нурли кошона бўлиб.
Жаҳон ичра менинг тенгсиз жаҳоним
Ўзбекистоним.
Мақсад манзилида довон ошган дам
Йўлчи ҳам бир тўхтаб олгандек нафас,
Марзагача етиб боргач деҳқон, ҳам
Ортга боқиб бир зум қилгандек ҳавас,
Эллик баҳор кўриб ҳаёт боғида
Умр камолига қўл чўзиб инсон
Олтин дарбозани чертган чоғида
Сарҳисоб қилади умрин бегумон.
Босиб ўтган йўли шунда одамга
Кўринади минг бир поғона бўлиб.
Минг бир довон ошган алп паҳлавоним
Ўзбекистоним.
Асли эллик эмас, эллик минг ёшинг
Кечмишинг тарихлар нариёғида.
Тўмарисдек она Қайҳисрав бошин
Қон тўла саночга солган чоғида
Спитомен камон тутиб дастида
Мароқандни сақлаб турганда узоқ,
Евни адаштириб ўлим даштида
Кўкрак очиб қаҳ-қаҳ урганда Широқ,
Ҳали ўзбек эмас, лекин оламга
Машҳур эдинг соқу суғдёна бўлиб.
Искандарни мажруҳ этган камоним
Ўзбекистоним.
Ваҳшат водисида кечди асрлар
Алжабр устодин туққунча еринг.
Илмнинг юксалгунча Беруний қадар,
То Алишер қадар етгунча шеъринг,
Ҳайратга солгунча фан оламини
Фарғоний чиқарган аниқ ҳисоблар...
Тебранса не ажаб Тошкент замини
Бу ерга кўмилган миллиард китоблар,
Фарангу ҳинду чин, ироқ, ажамга
Таралдинг Алқонун, Сайдона бўлиб.
Буюклар тан берган буюк достоним
Ўзбекистоним.
Минг бора тиклардинг, минг бор қуладинг,
Евлар қамчисидан чекканда озор
Алпомиш сингари ўғлон тиладинг,
Тиладинг Гўрўғли сингари сардор.
Сен ҳам гуллар териб умид боғидан
Толе орзусида туздинг алёрлар—
Аммо бўталарнинг қўнғироғидан
Чўлларда тўкилиб қолди ашъорлар.
Умринг эгиз бўлди андуҳ, аламга,
Орзуларинг бари афсона бўлиб.
Барчининг кўксида қолган армоним
Ўзбекистоним.
Замин дардича бор бир аёл дарди.
Ойнинг доғи балки унинг доғидан.
Фарёд олов бўлса олам ёнарди
Шарқлик жувонларнинг чеккан оҳидан.
Зебунисо ўтди танҳо ва маҳзун,
Бошида ўт бўлиб малика тожи.
Тун бўлиб ёйилар Қўқонда ҳар кун
Нодирабегимнинг қирқилган сочи.
Аёл!
Тўрт деворда кўмилдинг ғамга
Ғазалларда фақат жонона бўлиб.
Барнодек, Анбардек дили сўзоним
Ўзбекистоним.
Ҳали сокин туман чулғаб бағрини
Ғафлат ўйқусида ётарди олам,
Умид қаламила «Қуёш шаҳрини»
Ҳали ёзмаганди Кампанелла ҳам,
Нажот кўзи билан магрибга боқиб
Кўҳна Хоразмдан йўл олган карвон
Евмут саҳросида ойлар улоқиб
Масков тупроғида етганда омон
Ўзбеклар тўқиган шоҳи, гиламга
Боқканда зарифлар ҳайрона бўлиб
Дўстлик ипак очган карвоним
Ўзбекистоним.
Дарвозангни очдинг маърифат, фанга,
Сенга ошно бўлди Пушкин каби зот.
Лекин бахту иқбол қулмади сенга,
Ҳали олис эди сен кутган нажот.
Эрк дея аталган табаррук шамга
Интилдинг бир умр парвона бўлиб.
Парвонадек куйиб ўртанган жоним
Ўзбекистоним.
Дардингни куйлади анҳорларингда
Ғичирлаб айланган кўҳна чархпалак,
Санъатинг — мунаққаш деворларингда.
Лекин ободлигинг бўлди Хапалак.
Париларинг тутқун бўлиб харамга,
Улуғ шоирларинг девона бўлиб
Тақдир саҳросида зору сарсоним
Ўзбекистоним.
Беиз йўқолмади ва лекин, ўлкам,
Даҳоларинг қилган эзгу хаёллар.
Етиб келди сенинг боғларингга ҳам
Россия устида эсган шамоллар.
Зулмат тунига ҳам келди ниҳоя,
Толеинг уфқида тонг турди охир.
Сенинг ҳам ҳаққингни қилиб ҳимоя
Невада «Аврора» бонг урди охир.
Хазон фаслинг битиб, нурли кўкламга
Етишдинг баҳорий замона бўлиб.
Иқбол офтобидан ёруғ осмоним
Ўзбекистоним.
Йигирма тўртинчи йил,
Роппа-расо
Эллик йил муқаддам, табаррук айём
Маслаклар жангининг оташи аро
Жумҳурият бўлиб олган кунинг ном
Ўзбекистон исмнинг алвон аламга
Ёзилди ўзликдан нишона бўлиб.
Дўстлик боғидаги ҳур гулистоним
Ўзбекистоним.
Бахтлар йўли доим бўлмагай равон,
Кескир қилич керак адолатга ҳам.
Этмоқ бўлганда ёв боғларинг пайҳон,
Дўстлар қаторида қўзғолдинг ўктам.
Москва остида борар экан жанг
Ўртада бор эди сенинг ҳам шонинг.
Ғарб уфқи не учун ҳар кеч лоларанг,
Унда ётар сенинг минглаб ўғлонинг.
Ол байроқни ўпиб ичган қасамга
Содиқ қолди улар мардона бўлиб.
Меҳнатда ҳам жангда мард-майдоним
Ўзбекистоним.
Йиллар ўтар, ўтар асрлар қатор,
Дунёга келади янги авлодлар.
Лек тарих ёдидан чиқмагай зинҳор
Мирзачўлга ариқ очган фарҳодлар.
Унут бўларми ҳеч телба дарёни
Ёзёвонга бурган тарихий ҳашар
Яна бир пол қилдинг қари дунёни,
У шонли қирқ беш кун қўшиқдай яшар.
Чўлларинг кийиниб кўк беқасамга
Яшнаб кетди баҳмал Фарғона бўлиб,
Қаҳрамонлик барпо қилган бўстоним
Ўзбекистоним.
Кўп элларни кўрдим, кўп юртлар кўрдим,
Бир-биридан гўзал, бир-биридан соз.
Аммо Шарқда машъал чароғон юртим
Оламда тенги йўқ ўлкадир мумтоз
Бунда дўстлик куйин айтур ҳар чечак,
Бунда бахтни қилур ҳар булбул наво.
Дилларидаги азал башарий тилак —
Буюк биродарлик гулшани аро
Осиёхон деган сулув санамга
Олтин сепу атлас сўзона бўлиб,
Кулиб турган ёруғ дилбар маконим
Ўзбекистоним.
Йироқдан эшитиб сурнай овозин
Кўчага югурган бола сингари
Мен ҳам қўлга олиб сибизга созим
Тўйингга шошарман элдан илгари.
Тилак шу — қўшиғим катта байрамга
Етиб борса кичик тўёна бўлиб.
Менинг ҳам қолмасди дилда армоним,
Ўлкам, онажоним, юрагим, жоним
Ўзбекистоним!

Эркин ВОҲИДОВ.

ДОН—ДАВЛАТГА

Республика областларида дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 18 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — марсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобида); учинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

Бухоро	19970	105,1
Самарқанд	58757	97,9
Фарғона	22836	91,3
Андижон	27956	90,2
Тошкент	60815	85,6
Хоразм	33764	80,4
Қашқадарё	61943	77,4
ҚҚАССР	74477	70,3
Сурхондарё	25864	64,6
Наманган	20590	58,8
Сирдарё	24240	57,7
Жиззах	40136	42,2
Республика бўйича:	471348	75,4

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ГУЛИСТОН. («Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбиридан телефон орқали). Крупская номли колхоз Сирдарё областида биринчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекман эди. Куни кеча колхозда яна бир хушхабар тарқалди. Пахтакорлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Давлат хирмонига 3100 тонна «оқ олтин» тортиқ қилинди. Ҳосилдорлик 30 центнерга етди.

Мажбуриятнинг бажарилишига Т. Имомназаров, И. Беркбоев, А. Каримов бошлиқ бригада пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар.

Колхоз заршунослари қўшимча мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Тинчлик мамлакатларда

ҚАРДОШЛИК ТУЙҒУЛАРИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-ҳукумат делегациясининг МХРга қиладиган визити муносабати билан «Унэн» газетаси бундай деб ёзади: Монголияда халқ революциясининг ғалабаси, социалистик ўзгартишларнинг муваффақияти марксизм-ленинизмнинг музаффар таълимоти, социализм ғалаба қозонган биринчи мамлакат — СССРнинг ҳар томонлама мадади ва ёрдами билан бевосита боғланган.

МХРП III съездининг 50 йиллигини ва республика эълон этилганлигининг 50 йиллигини кенг кўламда нишонлашга тайёргарлик кўраётган халқ Монголиясининг меҳнаткашлари, Монголия коммунистлари шу умумхалқ тантаналарида ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида Совет Иттифоқидан меҳмонлар қатнашажакларини эшитиб, ниҳоятда ҳурсанд бўлмоқдалар, дейилади мақолада.

Бутун дунё меҳнаткашлари сингари монгол халқи ҳам халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби сифатида Л. И. Брежневни яхши биладилар ва ғоятда ҳурмат қиладилар, деб таъкидлайди «Унэн» газетаси. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бутун ҳаёти ва фаолияти олижаноб коммунистик идеалларни амалга оширишга, халқларнинг порлоқ келажаги коммунизм қуриш ишига бағишланган.

Жаҳон жамоатчилиги коммунизм қурилишида СССР эришган катта-катта ютуқларни, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг мустаҳкамланаётган бирлиги ва жипслигини, бутун планетани қамраб олган қудратли тинчлик ҳаракатини КПСС Марказий Комитети ва унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси изчиллик билан оғишмай амалга ошириб бораётган КПСС XXIV съезди программасининг самарали натижалари деб ҳақли суратда ҳисобламоқда.

Халқларнинг туб манфаатларига мос ва кун сайин тобора кўпроқ кишиларни ўзига жалб қилиб бораётган совет Тинчлик программаси бутун халқаро ҳаётни ижобий ривожлантиришга қудратли таъсир ўтказмоқда.

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

КОЛОМБО, 18 октябрь. (ТАСС). Шри Ланка Республикасининг пойтахтида совет маданияти уйида Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган фотовиставка очилди. Виставканинг очилишида Узбекистондан келган бир группа сайёҳлар ҳозир бўлдилар.

Виставка ўзбек халқи ҳаётининг турли соҳаларида эришилган муваффақиятларни яққол акс эттиради.

Фотовиставка очилган куни бўлиб ўтган тантанали кечада Шри Ланканинг таниқли кино режиссёри К. Перера Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар ҳузурида гапирди. У СССР халқлари умумий қардошлик оиласида коммунизм қуриш йўлидан шаҳдам бораётган Узбекистон меҳнаткашларининг муваффақиятларидан қойил қолганлигини изҳор этди. К. Перера Тошкентда ҳамда республиканинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида бўлган вақтида олган таассуротларини айтиб берди. У «Ласанда» фильмини яратишдаги ишига берилган юксак баҳо учун миннатдорчилик билдирди. Бу фильм Осиё ва Африка мамлакатларининг Тошкентда бўлиб ўтган III халқаро кино фестивалида махсус соврин билан тақдирланганди.

Шундан сўнг СССРнинг Шри Ланка республикасидаги элчиси Р. Н. Нишонов нутқ сўзлаб СССРда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси тўғрисида гапириб берди.

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИ БЮРОСИНИНГ МАЖЛИСИ

ПАНАМА, (ТАСС). Бу ерда жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми бюросининг кенгайтирилган мажлиси очилди. Мажлисда 39 давлатнинг, шу жумладан Латин Америкасидаги барча мамлакатларнинг тинчлик учун курашчилар миллий ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда.

Мажлисда академик Е. К. Федоров бошчилигидаги Тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитетининг делегацияси иштирок этмоқда.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиуми бюросининг мажлиси Латин Америкасида биринчи марта ўтказилмоқда. Делегатлар тўрт кун мобайнида дунёнинг шу районидаги сиёсий аҳволни, шунингдек Латин Америкаси мамлакатларини иқтисодий ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар.

КАТТА ИСТИҚБОЛЛАР

ГААГА, (ТАСС). «Голландия — СССР» иқтисодий институти кеча Амстердамда уюштирган анъанавий Голландия — Совет савдосотиқ кунида Голландиядаги кўплаб савдо-саноат фирмаларининг ҳамда компанияларининг вакиллари қатнашди.

Институт раиси А. Г. Ван Ден Бос йиғилганларни табриклаб, Нидерландия билан Совет Иттифоқи ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ривожланаётганлиги тўғрисида, бу алоқаларни келажакда янада кенгайтириш истиқболлари ҳақида сўзлаб берди. Ван Ден Бос сўнгги 10 йил ичида иккала мамлакат ўртасидаги товар оборот қариб 2 баравар ошганлигини уқтириб, «Узаро манфаатли иқтисодий алоқаларни кенгайтириш учун келгусида катта истиқболлар очилади», деб таъкидлади.

ПЕКИНЛИК ТУҲМАТЧИЛАР

Чет эл делегацияларининг ХХРга қилаётган визитларидан Советларга қарши руҳда алжиш учун баҳона сифатида фойдаланиш Пекинда кўпдан бери одат тусига кириб қолди. Аммо Пекинлик раҳбарлар Ғарбнинг ўнг турқдаги арбоблари билан учрашганларида айниқса сайрашга тушадилар. Масалан, инглиз консерваторларининг раҳбари Хит ёки Ғарбий Германия «Ультра»ларнинг иш бошиси Франц-Йозеф Штраусларнинг визити вақтида шундай бўлди.

14 октябрь куни халқ вакиллари Умумхитой мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари Сюй Сян-Цянь Ғарбий Германия парламентининг аъзоси «Штраусниинг энг яқин сафдоши» Р. Егер шарафига берилган зиёфатда, Синьхуа агентлигининг таъбири билан айтганда, «Қайфу сафо» устида шу қабилдаги гапларни айтди.

Сюй Сян-Цянинг қадаҳи қандай ичимлик билан тўлдирилганлиги маълум бўлмасада, аммо пекинлик сиёсатдонинг айтган гаплари риёкорлик оғуси билан лимм-лим тўлган ашаддий туҳмат нишонаси бўлди. Сюй Сян-Цянь «герман халқига муҳаббат изҳори» хусусида оғиз кўпиртириб ваъзхонлик қилди. У, масалан, Иккинчи жаҳон урушини таснифлаша берилиб, СССР «герман халқига агрессив уруш масъулиятини юкламоқда», деб даъво қилди.

Шундан кейин Сюй Сян-Цянь герман миллатининг бирлиги тўғрисида оғиз кўпиртиришга киришди. Унинг гаплари Ғарбий Германия реакционерларининг, ҳозир дунёдаги 100 дан ортиқ давлат таниган Германия Демократик Республикасини «таниқдан» бош тортаётганлигига мутлақо ҳамоҳанг бўладиган руҳда гапирди.

Советларга қарши тўқилган бундай даъволарнинг туҳматдан иборат экаилиги равшан, Совет Иттифоқи Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қонли жанглар авж олган даврда ҳам герман халқи билан Германия фашизмини бир-биридан жуда анқ фарқ қилган эди. Бу факт ҳаммага маълум. Бу позиция СССРнинг жаҳон сиёсатидаги ҳамма воқеаларга принципиал, синфий ёндашишидан келиб чиқади.

Шу нарса ҳам мутлақо равшандирки, Сюй Сян-Цянинг ва Пекинлик бошқа арбобларнинг немислар диёридаги социалистик давлат — ГДРга муносабати Пекиннинг «Пролетар», «Интернационалистик» позицияси тўғрисидаги сафсаталари амалда нимадан иборат экаилигини яна бир карра кўрсатади. ГДР жамоатчилиги ҳам, ГФР жамоатчилиги ҳам буни очиқ-равшан тушиниб турибди. Ғарбий Германиядаги «Нойе рейн-цайтунг» газетаси шу хусусда яқинда қуйидагиларни ёзди: «Пекиннинг баёнотлари Хитой ҳукуматнинг немисларга ёки европаликларга меҳр-муҳаббатидан асло дарак бермайди, балки, аксинча, Пекин яна Советларга қарши ғаламислик бошлаётганлигини кўрсатиб турибди: буларнинг ҳаммаси бир мақсадга — Ғарбий Европани, шу жумладан ГФРни ҳам Совет Иттифоқига қарама-қарши қилиб қўйиш мақсадига хизмат қилади».

Бу гап масаланинг асл моҳиятини ифодалайди, ишнинг таг замири пайқаб қолинганлигини кўрсатади. Сюй Сян-Цянинг «Қайфу сафо нутқи» — барча реакцион кучларни, кескинликни юмшатишнинг ва ҳамкорликнинг барча душманларини Советларга қарши платформа асосида бирлаштиришга қилинган ошкора даъватдан бошқа бир нарса эмас.

В. ГОНЧАРОВ,
(ТАСС).

ОЛТИН ҚЎРҒОН

Республикамиз пахтакорлари етиштирган «оқ олтин» хирмони кўкка бўй чўзиб қолди. Терим суръати кундан-кунга ортиб бормоқда. Чаноқларда очилган беҳисоб оппоқ лўппи пахталар кўзни қамаштиради.

Биз Тошкент областининг Оққўрғон райони пахтакорлари ҳузурида бўлдик. Район колхоз ва совхозларининг пахта пайкалларида гуриллаб, чангтўзон кўтариб терим машиналари ишлаб турибди.

Район 17 минг гектардан ортиқроқ ерда пахта етиштиради. Улар бу йил пахтадан 36 центнердан ҳосил кўтариш тараддудида. Бу — гектар бошига 1970 йилда етиштирилган ҳосилга нисбатан 9 центнердан ортиқ деган сўз. Районнинг йирик хўжаликларидан бўлган «Ленинобод» колхози 40 центнер учун курашмоқда. Навоий номли колхоз эса 50 центнердан ҳосил кўтариш ҳаракатида. Бу хўжалик пахтасини янги усулда, икки қаторли 20х90 схемасида эккан.

Район пахтакорлари ўтган йили давлатга 59 минг тонна пахта етказиб берган, гектар бошига 33 центнердан ҳосил кўтарган бўлса, шундан 72 проценти машиналар ёрдамида териб олинган эди. Район меҳнаткашларининг бу йилги аҳдлари яна ҳам улкан. Улар ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган.

Сафаримиз давомида бизга ҳамроҳ бўлган район партия комитети пропаганда бўлими мудири Убайдулла Исроилов, инструктор Тўхтахон опа Ҳусайновалар районда амалга оширилган, оширилаётган ажойиб ишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб беришди.

Биз сафаримизни «Оққўрғон» совхозидан бошладик.

* * *

Совхоз посёлкасининг шинам уйлари, ҳашаматли маданият саройи киши диққатини ўзига тортади. Бироқ биз кўпроқ машина теримининг борши билан қизиқдик.

Совхоз директори Жума ака Элчибоев бу йилги сув танқислигига қарамай, қўли гул пахтакорларнинг зарбдор меҳнати туфайли мўл ҳосил етиштирилганини ҳикоя қилди. Ўз ишига меҳр қўйган, олий маълумотли агроном бўлмиш бу одам совхоз ишлари ҳақида шундай тўлқинланиб ҳикоя қилдики, биз совхозда қилинаётган ишлар кўламини яққол тасаввур этдик. Ўзингиз ўйлаб кўринг-а: бултур гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтариб, Ватанга 11200 тонна пахта топширган совхоз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 37 центнергача кўтариб, 13000 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишибди. Бунинг учун барча шарт-шароитлар мавжуд. 76 пахта терим машинаси пахта далаларида жавлон уряпти. Аҳил коллектив етиштирилган ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилган. «Зангори кема» капитанларига Ўринбой Хўжамқулов, Зиёдулла Худойбердиев, Турмбек Указов каби абжир механизаторлар карвонбошилик қилишяпти. 220 пахта ташувчи тележка, 26 транспорт тракторлари пахта териш машиналарини бир зум ҳам куттириб қўяётгани йўқ. 26 подборщик, 28 кўрак териш машинаси, 30 кўрак чувиш машинаси иш бошлашга шай турибди. Буларнинг бари совхозда ишнинг яхши ташкил қилингани, механизаторлар зарбдор меҳнатининг самарасидир. Шу кунларда механизаторларнинг жонбозлиги туфайли совхоз кунига планга нисбатан 5-6 процентдан пахта топшириб, кун сайин маррага яқинлашиб бормоқда.

* * *

Оққўрғонликларнинг севимли фарзанди Султон Сегизбоев номи билан аталмиш совхоз ишчиларининг иноқ, меҳнатсевар эканликларини шу совхоз даласини бир кўришдаёқ англаш мумкин. Совхоз директори Тўхтамурод Исломов сергайрат, бир сўзли, халқ тили билан айтганда, оёғидан ўт чақнаган одамохун киши экан. Ў бизга республикамизнинг шонли юбилей йили совхозда қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида ғурур билан сўзлаб берди.

Совхоз ишчилари бу йил ўн уч минг беш юз гектар ерга пахта экиб, ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтаришни мўлжаллаб турибди. Совхоз ғўза баргини сунъий йўл билан тўкиш ишларини яхши ва сифатли тугаллади. Ҳосилнинг 80 процентини машиналар ёрдамида териб олиш учун ҳаракат қилинмоқда. Бу ерда ишчиларнинг моддий-маънавий шароитларини яхшилаш, уларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар муҳайё.

Улар учун кўп хонали замонавий типда қурилган уйлар, болалар боғчаси, мактаблар қурилган ва қурилмоқда. Биргина совхознинг ўзида бешта мактаб бўлиб, у ерда 1500 дан ортиқ бола билим олмоқда. 9 та болалар боғчаси бўлиб, унда 750 га яқин кичкинтойлар тарбия топмоқдалар.

— Совхозимиз ўтган йили 1 миллион 600 минг сўм даромад қилган эди, — дейди директор Тўхтамурод Исломов. — Бу йил эса, она-Ватанга 13 минг 500 тонна «оқ олтин» топшириб, планни республикамиз юбилейига қадар бажариш, йиллик даромадни 2 миллион сўмга етказишни мақсад қилиб қўйганмиз.

* * *

Оққўрғон шу кунларда «оқ олтин» қўрғонига айланиб бормоқда.

Районда хўжаликнинг бошқа тармоқлари ҳам кенг ривожланган. Каноннинг ўзидан 21500 тонна маҳсулот топширилди. Бу 220 центнердан ҳосил деган гап. 100 гектар ерга экилган маккажўхоридан 70 центнер ўрнига 85 центнердан ҳосил кўтарилди. Пиллачилик плани 117 процент бажарилди. Чорвачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришилди. Ҳозирги кунда боқин сигирларнинг вазнини 400 кг га етказиш учун курашилмоқда.

Хуллас, районнинг қайси хўжалигида бўлмайлик, юбилей йилида олинган мажбуриятни бажариш йўлида олиб борилаётган жанговар меҳнат курашининг гувоҳи бўлдик.

Лола ТОЖИЕВА,
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Нилуфар ХОЛХЎЖАЕВА,
Ҳасан ТЎРАБЕКОВ.



Республикамизнинг «оқ олтин» хирмони кундан-кун кўкка бўй чўзмоқда. Чевар теримчилар, илғор механизаторлар кунлик нормаларни 1,5—2 ҳисса бажариб, хирмонга барака киритмоқдалар. Ана шулар қаторида Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг чевар теримчиси Аропат Асадова ва Самарқанд областидаги «Ондарё» совхозининг агрономи Саодат Алимова ҳам бор.

Суратларда: (юқоридан) Аропат Асадова ва Саодат Алимова.
О. Қозоқбоев ва С. Безносов фотоси.

Пахта хроникаси

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН— ТЎРТ ЙИЛДА

Навоий районидаги «Нарпай» совхози пахтакорлари юбилей арафасида натта меҳнат ютуғини қўлга киритдилар. Пахта тайёрлаш беш йиллик плани муддатидан олдин ортиғи билан адо этилди. Хўжалик коллективи салкам тўрт йил мобайнида қабул пунктларига етказиб берган пахта 60 минг тоннадан ортиб кетди.

Бу йил совхознинг Ғафуров, Эсонов, Тоиров, Норқуловлар бошлиқ бўлимлари, Қаюмов, Азизов, Аблякимов, Исломов, Султоновлар бошчилик қилаётган пешқадам далачилик бригадаларида ҳосилдорлик айниқса юқори бўлди. Бу бўлим ва бригадаларда ҳар гектар майдондан териб олинган пахта 37-45 центнерга етди. Совхознинг меҳнат зафарида техникадан самарали фойдаланилгани катта аҳамиятга эга бўлди. 1974 йилнинг шу кунигача топширилган ҳосилнинг 90 проценти «зангори кема»лар билан терилди. Совхоз пахтакорлари тўқизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида тайёрланган пахтани 22минг тонна етказиш ҳақида қўшимча мажбурият олдилар.

МАРРА 40 ЦЕНТНЕР

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг 3-бўлими коллективи тўқиизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида ҳар гектар пахта майдонидан 32 центнердан ҳосил кўтариш, жами 2550 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олишга аҳд қилган эди. Азамат пахтакорлар ваъдага вафо қилдилар. Кечагина давлатга пахта сотиш халқ хўжалик плани муддатидан олдин ортиғи билан ўринлангани ҳақида ғалаба рапорти берилди. Давлатга 2600 тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширилди. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Бўлим пахтакорларининг меҳнат зафарига Ҳаёт Панаев, Ҳомид Комилов, Неъмат Азизов, Дониёр Муҳамедовлар бошлиқ далачилик бригадалари айниқса салмоқли ҳисса қўшди. Бу бригадаларда «оқ олтин» ҳосилдорлиги гектар бошига 32-35 центнерга етди. Турди Гадоев, Нор Ниёзов, Яҳё Панаев сингари «зангори кема» капитанлари ҳозиргачаёқ машина бункерларидан 200-250 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Ҳали пахта далаларида ҳосилнинг чўғи баланд. Чаман бўлиб ётган «оқ олтин» кўзни қамаштиради. Муяссар Бараева бошлиқ бўлим пахтакорлари ниҳоятда масъулиятли бўлган юбилей йилида давлатга яна 900 тонна пахта териб топшириш, ҳосилдорликни эса 40 центнерга етказиш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдилар.

МАШИНА БИЛАН 12550 ТОННА

Қорақўл райони механизаторлари машинада пахта териш планини муддатидан олдин ортиғи билан ўринладилар. Шу кунгача бункерлардан тўкилган пахта 12550 тоннага етди. Райондаги «Правда», Киров номли, «Москва», Ленин номли колхозларда машина терими айниқса яхши ташкил этилди. Қодир Ҳамдамов, Аҳмад Эргашев, Фахриддин Қозоқов сингари пешқадам механик-ҳайдовчилар шу кунгача 200-250 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Район механизаторлари 7 ноябргача яна машиналар билан 5500 тонна «оқ олтин» териш ҳақида зиммаларига қўшимча мажбурият олдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛ

БАЙРАМ АРАФАСИДА

Байрам дастурхони ҳар қачонгидан кўркам ва тўкин бўладиган бўлди. Тошкент ресторанлари ва умумий овқатланиш корхоналарининг моҳир пазандалари олтин тўй тантаналарида ибратли хизмат кўрсатиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Ошхоналарнинг иш соатлари бирмунча узайтирилиши билан бирга таомномаларга қардош республикалар миллий овқатларини киритиш кўзда тутилган.

Юбилей арафасида умумий овқатланиш тармоқлари бирмунча кенгайтирилди. Жами 2146 ўринли янги ошхона ва кафелар фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари Ўрта Осиёда энг йирик умумий овқатланиш корхонаси деб юритилаётган «Зарафшон» ресторани ҳам хўрандаларга хизмат кўрсатиш учун тахт қилиб қўйилди. Рестораннинг очилиш маросими 22 октябрга мўлжалланган.

Кеча А. Навоий номли катта опера ва балет театри олдидаги фонтан атрофида катта байрам дастурхони ёзилди. Пазандалар, қандолатчилар савдо кўргазмасида намойиш этиш учун 50 тоннага яқин ярим фабрикат, 40 тонна пишириқ ва кулинария маҳсулотлари, 65 тонна торт ва пирожнийлер тайёрлашган. Бу маҳсулотлар 300 га яқин алоҳида буфет ва кўчма дўконларда шаҳарнинг турли ерларида сотилади. Бундан ташқари катта майдонлар, кўчалар ва ҳиёбонларда 120 га яқин дош қозон осилиб, катта ош дамланса, шунча қўраларда кабобнинг хушбуй ҳиди таралади. Ҳуллас, пазандалар меҳмону-мезбонларни катта байрам, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик тўйини зўр шодиёналар билан нишонлашлари учун маданий хизмат кўрсатишга шай бўлиб туришибди.

* * *

Серкуёш республика пойтахти Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг қутлуғ тўйи тараддудида. Азим Тошкент байрам либосига бурканмоқда. Шаҳарнинг бош майдони — реконструкция ишлари тугалланаётган В. И. Ленин номли майдоннинг файзи очилмоқда.

А. Раҳматуллаев, Тошкент шаҳар бош рассоми:

— Эътибор қилган бўлсангиз шаҳримиздаги биноларнинг қиёфаси киши кўз ўнгида ўзгариб, кўркамлашяпти. Ҳаммаёқ чароғон, гўё анвои гуллар кўчалар устига кўчгандай камалак ранг чироқлар порламоқда. Майдонлар, ҳиёбонлар, кўчаларда ва бир-бири билан рақобатлашаётгандек кўкка бўй чўзган биноларнинг пештоқларида алвонлар, қизил байроқлар ҳилпирайди. Яриқ аср мобайнида эришилган ютуқларни ифодаловчи панно стенд ва диаграммаларни айтмайсизми... Бу ишда шаҳарни ташқи безаш комбинати ва «Рассом» комбинати ижодкорлари алоҳида хизмат кўрсатди.

А. Абрамян — СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери:

— Байрам тантаналарининг кучлилик, эпчиллик ва бардамлилик кўриги—физкультурачилар намойишини уюштириш менга топширилиши бир томондан фахрли бўлса, иккинчидан зиммага катта масъулият юклайди. Ахир тўрт минг физкультурачи ҳаракатини бир мақсадга йўналтириш осонми? Мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билим юрти талабалари ва студентлар шаҳарнинг асосий майдонига байроқдорлар бошчилигида кириб келадилар турли геометрик фигуралар ясайдилар, гимнастика ва акробатика машқлари бажарадилар. Қизлар чамбар, лента билан нафис ўйинлар кўрсатадилар. Пировардида спортчилар колоннаси қайта сафланиши билан майдонда жонли «50» рақами пайдо бўлади...



«ЎЗБЕКИСТОН» МЕҲМОНХОНАСИГА МАРҲАМАТ

Республиканинг ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи арафасида бинокорлар Тошкентга ва унинг меҳмонларига ажойиб туҳфа тортиқ қилдилар. 18 октябрда 17 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу муҳташам бино 50 метр баландликка қараб бўй чўзди. У 930 меҳмонни қабул қилиши мумкин. Меҳмонхона ҳузуридаги ресторан, кафе, банкет зали, бар, меҳмонхона ичкарисидаги майдонда қурилган чойхона меҳмонларга хизмат қилади. Бу ерда ёзги катта ҳовуз ҳам бор.

Шаҳар марказида қад кўтарган янги меҳмонхонани Навоий қурилиш бошқармаси коллективи барпо этди. Қутисимон пўлат прокатдан қурилган бино конструкцияси тўққиз балл кучбилан бўладиган зилзилага бардош бера олади. Меҳмонхонани пардозлаш учун гранит, мармар, қимматбаҳо ёғочлардан, анодланган металл, пластмасса, керамикадан фойдаланилган. Бинонинг ички томонини безашда ганч ўймакорлиги усталари ва республиканинг рассомлари иштирок қилдилар.

Меҳмонхонанинг ҳиёбонлар билан ўраб олинган олд томони айниқса кўркам бўлиб, оқ мармар билан қопланган жуда катта тўқилган пардани эслатади. У меҳмонхонани жазирама иссиқдан муҳофаза қилади.

Меҳмонхонани барпо этишда мамлакатимиздаги турли шаҳарларнинг қурилиш ташкилотлари катта ёрдам бердилар. Навоий ва Тошкентнинг ғишт терувчилари, бетончилари, дурадгорлари, суворчилари билан бир сафда Москва, Челябинск, Красноярск, Усть-Каменогроск, Арзамас шаҳарларининг намояндалари жонқуярлик билан ишладилар.

Янги меҳмонхонанинг очилиш шарафига митинг бўлиб ўтди.

Е. ГАЙНУЛИН,
В. ШЕВЦОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Суратда «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

А. Тўраев фотоси.

ТЕАТРЛАР — ЮБИЛЕЙГА

ТЎЁНА АСАРЛАР

БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

Сиз раҳбар бўлган театр республикамизнинг ярим асрлик олтин тўйига қандай ижодий совғалар билан келяпти? Мухбиримиз шундай савол билан пойтахтимиздаги уч театрнинг директорига мурожаат қилди.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик Катта драма театрининг директори Искандар Мусабеков:

— Биз, санъаткорлар юбилейга тайёргарлик ҳақида партия ва ҳукуматимизнинг қарори чиққан кундан бошлаб, қизғин ижодий ишга киришдик. Аввало репертуаримизни пухта кўздан ўтказдик. Мақсадимиз юбилей руҳига мос асарларни саҳналаштириб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этиш эди. Шу мақсадда бундан бир неча йил бурун театримизда муваффақиятли ўйналган Зиё Саид ва Назир Сафаровларнинг «Тарих тилга кирди», отахон драматургимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшиннинг «Инқилоб тонги» асарларини саҳнага қўйдик. Шунингдек, атоқли рус драматурги Розовнинг «Оқшомдан тушгача», Уйгуннинг «Абу Райҳон Беруний», Асқад Мухторнинг «Самандар», Ўлмас Умарбековнинг «Комиссия», немис классик адабиётнинг йирик санъаткори Г. Гауптманнинг «Ҳаёт шоми», Иброҳим Раҳимнинг «Чақмоқ» асарларини ҳам муваффақиятли саҳналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилдик. Худди шу асарлар бизнинг олтин тўйга тайёрлаган совғамиздир. Биз юбилейга совға тайёрлашда давом этмоқдамиз. Юбилей тантаналари кунларида Асқад Мухторнинг «Зар қадрини» трагикомедияси, Иззат Султоннинг «Кўрмайин босдим тиканни» драмасининг премьераларини ўтказамиз.

Биз яқинда ўзимизнинг 57-мавсумимизни бошладик. Мавсуминимизни анъанага кўра ўлмас Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси билан очилди. Мавсум арафасида Сирдарё ва Жиззах областларида гастролда бўлдик. Томошабинлар билан учрашдик, уларнинг санъатимиз ҳақидаги фикрларини эшитдик. Янги ижодий режалар туғилди.

Республика ёш томошабинлар театрининг директори Гуландом Ғуломова:

— Биз кўп йиллардан буён номи билан театримиз аталган халқимизнинг улуғ фарзанди, республикамизнинг биринчи президенти Пўлдош Охунбобоев образини саҳнамизда гавдалантиришни орзу қилиб юрардик. Бутун коллективимиз шодлигининг боиси шундаки, биз бу ниятимизга ҳар биримиз учун қутлуғ бўлган дамларда — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги тантаналари арафасида етдик. Асар «Она юртим оқсоқоли» деб аталади. Уни театримизнинг бош режиссёри Мирзакарим Бобоев яратди ва ўзи саҳнага қўйди. Спектакль жамоатчилик томонидан яхши кутиб олинди.

Биз бундан ташқари юбилейга бағишлаб Зиннат Фатхулиннинг «Гунчалар», Мухтор Авезовнинг «Абай—эл фарзанди». Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» асарларини ҳам саҳналаштирдик. Юбилей тантаналари кунларида репертуаримиздаги энг яхши намойиш этишни мўлжаллаб турибмиз.

Республика рус ёш томошабинлар театрининг директори Асад Файзуллаев:

— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 50 йиллигига муносиб совға тайёрлаш катта ижодкорликни талаб қилар эди. Биз, бу масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда тайёргарлик кўрдик. Лозим бўлган дамларда машҳур совет санъаткорларининг ижодий тажрибасига мурожаат қилдик. Репертуаримизнинг ранг-баранг бўлиши учун маълум даврда томошабинлар фикрини ўргандик. Шу мақсадда пойтахтимизнинг Ленин, Чилонзор, Октябрь ва Собир Раҳимов районларида театримиз кунларини ўтказдик. Бир неча бор томошабинлар конференцияси уюштирдик. Бу тадбирлар ижодий ишимизга яхши таъсир кўрсатди.

Жамоатчилик ва санъатшунослик бу таъсирни юбилей спектаклимиз бўлган «Аму қаҳрамонлари»нинг муваффақиятли саҳналаштирилганида кўрганликларини эътироф этдилар. Бу, албатта бизни, улкан юбилейга совға тайёрлаётган ижодий коллективни қувонтиради. Негаки, шу эътирофлар бизнинг тўёна тайёрлаётган дейишимизга асос бўлади. Бундан ташқари Пўлат Мўминнинг «Суқатой ва Конфетвой саргузаштлари» поэтик эртагини ҳам тўёна асар сифатида мухлисларимиз ҳукмига ҳавола этдик. Учинчи юбилей спектаклимиз В. Александровнинг «Узоқ-яқинлар» драмаси бўлиб, уни юбилей тантаналари кунларида илк бор намойиш қиламиз.

«ШАЙИТБУВА» ТЕПАЛИГИДА

Фарғона областидаги Сариқўрғон қишлоғида бир тепалик бўлиб, уни «Шайитбува» деб аташади. Тепалик кўпдан бери археологларни қизиқтириб келарди. Яқинда Ленинградлик ва кубанлик археологлар бу ерда текшириш ишларини бошлаб юборишдилар. Мутахассислар тепалик ҳақида ҳозирча уч хил мулоҳаза юритмоқдалар. Жумладан: ўз даврининг бой беклари доврўғ қозониш учун қурилган, тепалик мудофаа вазифасини ўтаган бўлса керак, балки сув иншоати учун фойдаланилгандир, деган гаплар бор. Археологлар қазилма вақтида бу ердан кўза, сопол ва бошқа рўзғор буюмлари топдилар. Уларнинг кўпи XV—XVII асрга оид бўлиб, Ленинград шаҳар тарих музейида сақланадиган бўлди.

Ҳ. ВАЛИЕВ.

ҚАРДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Қорақалпоғистон шоликорлари Қозоғистоннинг Жалағош, Теранўзек районлари далаларида бўлишди. Автоном республиканинг тажрибали деҳқонлари қардош ҳамкасблари хўжаликларида бўлиб, Сирдарёнинг ўнг қирғоғи шароитида шоли етиштириш агробиологияси билан танишдилар, шоли навлари етиштириш, сепиш ва ўриб олиш муддатларини ўргандилар. Меҳмонлар Қорақалпоғистоннинг илғор хўжаликларидан ҳисобланган «Равшан» совхозида қандай қилиб гектаридан 70 центнердан ҳосил

Ахборот Янгиликлар Хабарлар

НУҚУЛ ФАКТЛАР

кўтаришаётганлиги ҳақида фикр алмашдилар. Г. МАРАЛБОЕВ.

ЗАДАРЕЛИКЛАР МАМНУН

Задарё район колхозлараро коммунал хизмат кўрсатиш комбинати ишчилари самарали меҳнатлари билан эътибор қозонмоқдалар. Уларнинг ғайрати туфайли «Гигант», «Коммунист», «Комсомол», «Правда» ва Ильич номли колхозларнинг дала шийпонлари, молхона ва қўйхоналари капитал ремонтдан чиқарилди. Комбинат коллективи бундан ташқари 9 та ўрта мактаб биносини ремонт қилиб берди. Айниқса А. Абдусатторов, Д. Ягудин бошлиқ бригада аъзолари ибратли ишлари билан кўпчиликни мамнун этишмоқда.

С. ГОВСИДДИНОВ.

ҲАЛОЛЛИК

ЖИЗЗАХ. Трикотаж фабрикасининг шофери Холмат Эрназаров Мирзачўлдаги Акмал Икромов номли 26-совхозга бора туриб, йўлдан бир отахонни машинасига миндириб олди. Қария маррага етгач, машинадан тушиб қолар экан, шоферга миннатдорчилик билдирди. Машина анча олислаб кетгандан кейин шофер отахон ҳамёни ва қўл соатини ўриндиқда унутиб қолдирганлигини пайқади. Отахонни қаерда истиқомат қилишини билмаган шофер уни 26-совхоз поселкасидан излади. Воқеани айтиб адресини қолдирди. Ҳамённинг эгаси тўрт ой деганда маълум бўлди. Отахон 25-«Комсомол» совхозида яшовчи пенсионер Эргаш Тоғаев экан. Эргаш ота йўқотган буюмларини оларкан, халол ва софдил шоферга миннатдорчилик билдирди. Совет кишисининг фазилати туфайли ҳамёндаги 450 сўм пул бутунлигича эгасини «топди».

Н. МИРЗАЕВ.

* * *

АНДИЖОН. Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари учун қулайлик яратилди. Пахта йиғим-терими жадаллик билан олиб борилаётган бир пайтда меҳнаткашларнинг бир йўла 180 фарзандини боғрига оладиган янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.

И. ЭРГАШЕВ.

* * *

ТОШКЕНТ. «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг чеварлари келаси йил учун обуна бўлишда ибрат кўрсатмоқдалар. Марказий ва маҳаллий нашрларга бугунгача 10 минг сўмликдан кўпроқ обуна пули «Союзпечать» ҳисобига ўтказилди.

С. СУЛТОНОВ.

* * *

КАТТАҚЎРҒОН. Шаҳар ўзбек драма театрининг ижодий коллективи республика юбилейига муносиб туҳфа ҳозирлади. Санъаткорлар қорақалпоқ драматурги П. Тлегеновнинг «Инсон тақдири» номли драмасини саҳналаштирдилар.

А. ҲОШИМОВ.

* * *

БУХОРО. Шофиркон райони маркази тобора шаҳар тусига кириб бормоқда. Яқин йилларда фойдаланишга топширилган район партия комитети, Советлар уйи, қишлоқ хўжаллик бошқармаси биноларидан, қўшқаватли универмаг, мактаб, мебель ва озиқ-овқат магазинлари кўркам шаҳарни эслатиб турибди.

У. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

* * *

Шунингдек, редакцияга хоразмлик Б. БОБОЖОНОВ, оддий солдатлар Т. АҲМЕДОВ, О. ҲАМИДОВ, наманганлик Ҳ. ҚОСИМХЎЖАЕВА, Ж. КАМОЛОВ, андижонлик Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, москвалик С. КОСТИРКО, самарқандлик Э. ҚУРБОНОВ, сирдарёлик Б. НУРМАТОВ, тошкентлик С. САЪДУЛЛАЕВА, И. НИШОНОВ, бухоролик Б. ПОЛВОНОВ ва бошқалар ҳам қизиқарли хушхабарлар йўллашган.



Янгийўл кондитер фабрикаси коллективи республикамизнинг қутлуғ тўйига атаб ҳар хил қандолат маҳсулотлари ва ширинликлар ишлаб чиқармоқда. Суратда: моҳир қандолатпазлардан М. Мазалова юбилей тортиғи билан.

О. Қозоқбоев фотоси.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси — ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

21 ОКТЯБРЬ—ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00— МОСКВА. 12.05 — Гимнастика. 12.20 — Янгиликлар. 12.30 — Мультфильмлар. 13.00 — **Ҳайвонот олемида.** 14.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.25 — ТОШКЕНТ. 16.30 — Информацион программа. 17.00 — **Совет Узбекистони** (телефильм). 17.55 — Телефильм. 18.45 — **«Ахборот».** 19.00 — **Ленин ва Узбекистон** (телефильм). 19.50 — Дўстларимиз табриги. 20.00 — **«Ахборот».** 20.30 — МОСКВА. **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига.** Ўзбекистон телевидениесининг программаси. КЎРСАТУВДА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ ИШТИРОК ЭТАДИ. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Олтин тўй** (Тошкент). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.30 — МОСКВА. 16.35 — Спорт ҳақида суҳбатлар. 17.05 — Сўз олимларга. 17.20 — И. С. Тургенев. Хотиралар ва мактублар. 18.05 — «Биз яратган бог». 18.35 — «Костёр». 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Орлов областининг муқобил плани—амалда. 20.00 — Қалбга яқин қўшиқлар. 20.30 — **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллигига.** Ўзбекистон телевидениесининг программаси. КЎРСАТУВДА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ РАИСИ Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ ИШТИРОК ЭТАДИ. 22.00 — Ўзбек совет поэзиясининг антологияси (Тошкент). 22.30 — А. С. Пушкин. «19 октябрь». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

22 ОКТЯБРЬ—СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — МОСКВА. 10.00 — **Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Узбекистон ССР Олий Советининг Узбекистон ССР ва Узбекистон Коммунистик партияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси.** (Тошкентдан олиб кўрсатилади). 17.30 — ТОШКЕНТ. 17.40— Дўстлик ҳақида куйлаймиз. 18.10 — **Ленин ва Узбекистон** (телефильм). 19.00 — **Ота** (телеспектаклнинг 3-қисми). 20.00 — Ўзбекистон санъат усталарининг байрам концерти. 21.30 — Дўстларимиз табриги. 21.40 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **«Ахборот».** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — **Меннинг республикам** (адабий кўрсатув). 20.50 — Телефильмлар. 21.30 — МОСКВА. Спорт программаси. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Концерт. 22.55 — Номерга юз мисра. (бадиий фильм).

23 ОКТЯБРЬ—ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — МОСКВА. **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг байрам намойиши** (Тошкентдан олиб кўрсатилади). 13.00 — Телефильм. 18.20 — ТОШКЕНТ. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — «Яшна ўлкам». 19.10 — **Ленин ва Узбекистон** (телефильм). 20.00 — Дўстларимиз табриги. 20.20 — **«Ахборот».** 20.50 — **Олтин водий.** 22.00 — МОСКВА. **«Вақт».** 22.30 — **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашларнинг байрам намойиши.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.20 — МОСКВА. 18.35 — Фан оламида. 19.05 — Янгиликлар. 19.15 — Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати.

24 ОКТЯБРЬ—ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55— ТОШКЕНТ. 11.00 — **Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган митинг.** 13.00 — Информацион программа. 16.05 — МОСКВА. **«Ягона оилада». Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 50 йиллигига** (ҳужжатли фильмлар). 16.55 — Шахмат мактаби. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Мультфильм. 18.00 — **Мен — раққосаман** (телефильм). 18.30 — **Узбекистон.** ЮБИЛЕЙ ИЛИНИНГ РЕПОРТАЖИ. 19.20 — МОСКВА. 19.50 — Спорт программаси. 20.35 — **«Ахборот».** 21.05 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Ёркин ҳаёт.** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 16.05 — ТОШКЕНТ. 16.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 16.45 — **Ая** (телефильм). 17.25 — МОСКВА. 19.20 — **Оламга саёҳат** (Тошкент). 20.35 — **Инсонни ардоқланг** (бадиий фильмнинг 1-сериясн). 22.00 — Телефильм. 22.30 — Ҳужжатли экран. 23.45 — **Каштаклар.** УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.30 — **Фавқулодда комиссар** (бадиий фильм). 21.00 — Тошкент янгиликлари. 21.15 — **Ойбек** (телефильм).

25 ОКТЯБРЬ—ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.00 — МОСКВА. 17.40 — ТОШКЕНТ. 17.50 — Мультфильм. 18.10 — «Доим тайёр». 18.40 — Илмий-техник информация ва ишлаб чиқариш. 18.50 — **«Ахборот».** 19.10 — **Тонг қизи** (бадиий фильм). 20.15 — Дўстларимиз табриги. 20.35 — **«Ахборот».** 20.55 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **Дўстлик экрани.** Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон телевидениеларининг биргаликда тайёрлаган байрам кўрсатуви. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 17.40 — МОСКВА. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — 1974 йил қўшиқлари. 19.25 — Янгиликлар. 19.35 — Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати. 20.05 — СССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси В. Г. Афанасьев телетомошабинлар саволларига жавоб беради. 20.35 — **Инсонни ардоқланг** (бадиий фильмнинг 2-сериясн). 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.20 — Ҳужжатли фильм. 21.05 — Тошкент янгиликлари. 21.20 — Тошкент ва тошкентликлар.

26 ОКТЯБРЬ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телефильм. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.15— «До-ре-ми-фа-соль». 18.45 — **«Ахборот».** 19.00 — **СССР — Франция.** Тинчлик ва биродарлик йўлларида (Москва). 20.00 — Ишчи шон-шуҳрати клуби. 21.30 — **«Ахборот».** 21.50 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.15 — **«Вақт».** 22.45 — «БЎСТОН». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.00 — МОСКВА. 19.00 — Т. Каинбергеновнинг ижодий портрети. (Тошкент). 20.00 — **Хоккей:** СКА (Ленинград) — «Спартак» (Москва). 22.15 — Тележурнал. 22.45 — Санъат усталари. СССР халқ артисти Аркадий Райкин. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

27 ОКТЯБРЬ—ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». 10.20 — Қувноқ поезд саёҳати. 11.00— МОСКВА. 16.30 — ТОШКЕНТ. 16.40 Мультфильм. 16.50 — «Янгра, барабан». 17.30 — МОСКВА. Халқаро панорама. 18.00 — **Футбол:** «Зенит» (Ленинград) — «Динамо» (Киев). 18.45 — ТОШКЕНТ. 19.05 — **Қамбарнинг сеҳрли сози** (фильм-концерт). 20.05 — **Телеминиатюралар.** 20.45 — **«Ахборот».** 21.05 — **Пахтазор — мардлар майдони.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — «ТАЪЗИМ». ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАРИ. 16.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** (Москва). 17.30 — **Шимол ёғдусини ёқинг** (бадиий фильм). 18.45 — МОСКВА. 18.55 — **Артамоновлар иши** (бадиий фильм). 20.25—**Артлото.** 21.30 — «Голлар — голлар...». 21.45 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани. 22.30 — Кинопанорама. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/X-да **Шоҳ Эдип,** 20/X да **Чақмоқ** (кундузи), **Самандар** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/X да **Тошболта ошиқ,** 20/X да **Ҳижрон** (кундузи), **Жоним фидо** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЮРИЙ ДУРОВ иштирокида «ДУСТЛИК ҚАНОТИДА» цирк томошалари.**

КИНО

Чанитанинг бўсаси — «ЧАПКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қайтиш йўқ (тоқ соатларда), **Ишсиз эркаклар** (12.00, 14.00, 20.00): — «ДРУЖБА».

Шпессартдаги ажойиб дамлар; Шпессарт қалъасидаги шарпалар: — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Азиз инсон — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Рус даласи — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Нафрат — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ғарқ пишган олчалар —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЎҚУВ ЗАЛИДА

(Студентлар шаҳарчаси, Бош корпуси)

5 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ДА шарқ факультети ташкил топган кунининг 30 йиллигига бағишланган

УЧРАШУВ КЕЧАСИ УТКАЗИЛАДИ

Кечага факультетни битириб кетганлар таклиф қилинади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Р. 02820. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А—245.